

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>М.Ҳайдаров</b>	
Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий муаммолар: ишчилар норозилигининг сабаблари ва моҳияти.....	101
<b>Т.Ахмедов</b>	
Фуқаролар фаоллигини оширишда телевидениенинг ўрни.....	106
<b>Ғ.Раҳмонов</b>	
Мустақиллик йиллари Ўзбекистон сув ҳўжалиги тизимида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари.....	110
<b>С.Ахмедов</b>	
Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва Мажмаи баҳрайн” асари темурийлар давридаги маданий-маърифий жараёнлар тавсифи бўйича қимматли манба сифатида.....	115
<b>Р.Расулова</b>	
Туркистонга татар “сафарбарлик”лари хусусида .....	121

---

АДАБИЁТШУНОСЛИК

<b>А.Сабирдинов, Д.Муратова</b>	
Ўзбек-корейс халқ оғзаки ижодида оила ва оилавий қадриятлар масаласи .....	126
<b>Э.Жабборов</b>	
Ўзбек миллий адабиётида маърифатпарварлик қарашларнинг такомиллашуви.....	131
<b>Б. Абдураҳмонова</b>	
“Қутадғу билиг” асарининг вазн хусусиятларини ўргатиш.....	138

---

ТИЛШУНОСЛИК

<b>Ғ.Хошимов, Н.Комилова</b>	
Турли тизимли тилларда “Гендер” концепти ва уни воқелантирувчи воситалар майдонининг қиёсий тадқиғи .....	144
<b>Н. Умарова</b>	
Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида “Олтин” концептининг фрейм структураси.....	149
<b>Г.Розиқова</b>	
“Девону луғотит турк”да сўз маъносининг метонимия асосида кўчиши.....	155
<b>А.Базарбаева</b>	
Инглиз тили дарсликларида машқлар тақдимотининг назарий асослари .....	160
<b>Д.Рахматуллаева</b>	
Шарқ мутафаккирларининг ғоялари ва “Илм-маърифат” семемали бирликлар.....	164
<b>Б.Баҳриддинова</b>	
Замонавий ўқув луғатларининг таркибий тузилмаси хусусида.....	167
<b>Н.Суярова</b>	
Оламнинг лисоний тасвири ва “Белги” денотатив семали метафораларнинг шаклланиши.....	172
<b>Б.Сулаймонов</b>	
«Теорема» романининг лексикографик тадқиғи.....	176

---

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Ф.Тошпўлатова</b>	
Чет тилини ўрганиш учун ўқув материалларини танлаш ва ишлаб чиқиш тамойиллари .....	180
<b>Г.Саидова</b>	
Бошланғич синфларда инновацион технологияларни қўллашнинг шакл ва воситалари .....	184

---

ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Л.В.Гормонов, Б.З.Зарипов, А.А.Грудков, В.А.Каримов</b>	
Физиологик шароитларда каламушларнинг ингичка ичагида озуқа	

УДК: 377.1+338.46

## БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАШ ШАКЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

## ФОРМЫ И СРЕДСТВА ПРИМЕНЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ

## FORMS AND MEANS OF APPLYING INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN PRIMARY SCHOOL

Г.Саидова<sup>1</sup><sup>1</sup>Г.Саидова

Низомий номидаги ТДПУ таянч докторанти.

**Аннотация**

Мақолада бошланғич синфларда инновацион технологияларни қўллаш воситалари, дидактик ўйинлардан фойдаланиш ҳақида сўз боради.

**Аннотация**

В данной статье рассматриваются средства использования инновационных технологий в начальных классах, использования дидактических игр.

**Annotation**

This article discusses the use of innovative technologies in elementary school, the use of didactic games.

**Таянч сўз ва иборалар:** инновацион технологияларни қўллаш, дидактик ўйинлар.

**Ключевые слова и выражения:** использование инновационных технологий, дидактические игры.

**Key words and expressions:** use of innovative technologies, didactic games.

Республикамизнинг барча соҳаларида бўлгани каби халқ таълими соҳасида ҳам чуқур ва изчил ислохотлар олиб борилмоқда. Бундан асосий мақсад – мактаб фаолиятини демократлаштириш, унинг инсонпарварлик тамойилларини ривожлантириш, ўқув-тарбия ишлари жараёнининг мазмунини, шаклини ҳамда янгилаш эвазига самарадорлигини оширишга эришишдан иборат. Ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашнинг муҳим омилларидан бири – бу, таълим ва тарбия жараёнини давр талаблари асосида олиб бориш, узвийлик тамойилларига асосланиб, инновацион педагогик технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда дарслар ташкил этишдир. Педагогик технология ўқитувчи ёки тарбиячи томонидан ўқитиш ёки тарбиялашнинг воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда муайян шахс сифатларини шакллантириш жараёнидир.

Педагогик маҳорат – бу, ўқитувчи ижодкорлигининг олий намунаси. Педагогик маҳорат бу ўқитувчида йиллар давомида шаклланади. Таълим сифатини яхшилаш

қўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ ва ундан катта масъулият талаб этади.

Ўқитувчининг дарсни қайси усулда олиб бориши, биринчи навбатда, унинг педагогик маҳоратига боғлиқдир. Бу вазифани бажариш учун ҳозирги замон ўқитувчиси, айниқса, бошланғич синфларда таълим берувчилардан ўз касбий маҳоратларини доимий тарзда ошириб боришлари, инновацион технологияларнинг интерфаол методлари моҳиятини тўлиқ англашлари ва улардан ўз дарсларида моҳирона фойдаланадиган бўлишларини тақозо этади. Таълим жараёнида инновацион технологияларни фаол қўллаш, таълим самарадорлигини ошириш, таҳлил қилиш ва амалиётга жорий этиш бугунги кун муҳим вазифаларидан биридир. Ўқувчиларнинг фикр доираси, онги, дунёқарашини ўстириш, уларни тингловчидан иштирокчига айлантормоқ ниҳоят муҳимдир. Ўқитувчи дарсда бошқарувчи, ўқувчилар эса иштирокчига айланмоғи зарур. Биз, ўқитувчилар дарсларда ўқувчиларни эркин иштирокчига айтантира олсаккина, ўз мақсадимизга эришган бўламиз. Ўқитувчи бир хил ёки бир-

бирига ўхшаш усулларда дарс ўтиш билан чегараланиб қолмаслиги керак. Бошланғич синфларда кўпроқ болаларнинг ёшини, билим савиясини ҳисобга олишни унутмаслик керак. Уларни оддий, осон ва вақтни кам оладиган турларидан бошлаб, дидактик ўйинлар ўтказишдан олдин аста-секин мураккаблаштириб бориш яхши натижа беради. Бундай иш тутиш, бир томондан, болаларнинг дунёқараш ва онгини кенгайтирса, бошқа томондан, уларнинг баён этиш қобилиятини кучайтиради, ижодий ишлаш кўникмаларини ривожлантиради. Ўқитувчи бундай интерфаол методларни мавзу асосида маълум мақсаддан келиб чиққан ҳолда танлай олиши зарур. Айниқса, бошланғич синф она тили дарсларида ўрганиладиган мавзулар хусусиятига қараб методлар танланиши, ўқувчиларда мавзулар юзасидан мулоҳаза юрита олиш, ўз фикрларини эркин баён этиш имкониятини туғдиради. Бу жараёнда кўпроқ тил бойлигига мурожаат қилишга эҳтиёж уйғотадиган, уларни ижодий фикрлашга йўналтирадиган усулларга алоҳида аҳамият берилиши даркор.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ёш ва психологик хусусиятлари ҳар бир синфда бир-биридан кескин фарқ қилади. 1-синф ўқувчиларининг диққати турғун бўлмаслиги боис улар ўйинга кўпроқ мойиллик билдиришади. Шу сабабли дарс давомида дидактик ўйинлардан кўпроқ фойдаланишга тўғри келади.

1-синф дарслиги 1-бўлимидаги «Товушлар ва ҳарфлар бўлими»да «Ўзим текшираман», «Ҳарфларни топ!», «Сирли сўз», «Бу – меники», «Изтопар» ўйинларидан фойдаланиш мумкин. «Сўз» бўлимини ўқитиш жараёнида «Ўзим текшираман», «У ким?», «Бу нима?», «Топағон», «Ўқиб кўр-чи», «Сирли сўз», «Занжир», «Изтопар», «Сўз ўйини» ўйинларини қўллаш ўқувчиларни ижодий фикрлашга йўллайди. «Ҳикоя», «Ўзим текшираман», «Нотўғри хулоса», «Бўлиши мумкин эмас», «Давом эттир», «Сафар», «Жонли ҳикоя» ўйинларидан «Нутқ. Гап» бўлимида фойдаланиш ўқувчиларни таълим жараёнига бўлган қизиқишларини оширади. Қуйида биз бошланғич синф она тили дарсларида қўлланиладиган дидактик ўйинлардан намуналар келтирамиз. «Ким кўп сўз топа олади?» ўйини. Синф ўқувчилари тарқатма материаллар ёрдамида бешта гуруҳга бўлинади. Ўқувчиларга бир ҳарф берилади. Гуруҳ ўқувчиларига вақт берилади. Шу вақт ичида ўқувчилар ўзлари қўлларига олган ҳарфдан бошланиб ёзиладиган сўзлар ўйлаб топиб ёзишлари керак. Қайси гуруҳ аъзолари кўп сўз ўйлаб топсалар, шу гуруҳ «ғолиб» деб топилади ва рағбатлантириб борилади. Синф ўқувчилари бир неча гуруҳга ажратилади.

Ўқитувчи бирон предмет ёки иш қуроли расмини ўқувчиларга кўрсатади. Масалан, чинор, терак, олма дарахтларининг баргини кўрсатиб,

1. Узоқ умр кўрувчи дарахт қайси?



2. Қайси дарахт мева беради?





3. Жонли предметни топинг?



4. Қайси ҳайвон тез чопа олади? ва шу каби саволлар беради



Хулоса қилиб айтганда, юқорида мисол тарзида келтирилган дидактик ўйинлар барча қонун-қоидалар ва принципиал талабларга риоя қилиб ўтказилса, ўқувчиларни ижодий фикрлашга ўргатишга самарали таъсир қилиши, шубҳасиздир.

**Адабиётлар:**

1. “Алифбе” умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синфлари учун дарслик, қайта ишланган 17- нашр, “Ўқитувчи”, 2019 й.
2. . Бобомуродова А.Я “Она тили таълими жараёнида ўйин топшириқлардан фойдаланиш”. диссертация. 1996 й.
3. Станиславский, К.С. Работа актёра над собой : 1989.-2 т.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор)